

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАСИРОВА НИЛУФАРХОН ҚОБИЛЖОНОВНА

УНИФЛОК СЕРИЯЛИ ФЛОКУЛЯНТ ЁРДАМИДА ГАЛЬВАНИК
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ОҚАВА СУВЛАРНИ
ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Насирова Нилуфархон Қобилжонова

УНИФЛОК серияли флокулянт ёрдамида гальваник ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш технологиясини такомиллаштириш..... 5

Насирова Нилуфархон Кабилджановна

Совершенствование технологии очистки сточных вод образующихся в процессе гальванического производства с использованием флокулянта серии УНИФЛОК 23

Nasirova Nilufarkhan

Improving the technology of wastewater treatment generated in the process of electroplating with the use of a flocculant of the UNIFLOCK series..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАСИРОВА НИЛУФАРХОН ҚОБИЛЖОНОВНА

**УНИФЛОК СЕРИЯЛИ ФЛОКУЛЯНТ ЁРДАМИДА ГАЛЬВАНИК
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҲОСИЛ БЎЛГАН ОҚАВА СУВЛАРНИ
ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/K523 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада www.tkti.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муталов Шухратжон Ахмаджонович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сманова Зулайхо Асаналиевна
кимё фанлари доктори, профессор

Кулматов Рашид Аворович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019K/T.04.02-рақамли Илмий кенгашнинг «10» 08 2022 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32. Тел: (+99871) 244-79-20, Факс:(+99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№132 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32. Тел. (+99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати «28» 07 2022 й. да тарқатилган
(2022 йил «28» 07 даги №23 рақамли реестр баённомаси)



Б.Ш. Усмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, педагогика фанлари
доктори, профессор.

Б.Х. Кучаров
Илмий даражалар берувчи, Илмий
кенгаш котиби, техника фанлари
доктори, катта илмий холи

Р.С. Сайфутдинов
Илмий даражалар берувчи кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда саноат ва техноферанинг ривожига бўлган талабнинг ортиши билан ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувлар, зарарли газ ва чанглар ҳамда турли хилдаги чиқиндилар сифатида атроф-муҳитни ифлосланиши, сув, ҳаво, тупроқ объектларида оғир ва консероген металллар ва бошқа турдаги кимёвий бирикмаларнинг рухсат этилган чегаравий миқдоридан ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, атроф муҳитнинг талаб даражасида тозалигини асраш, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган саноат оқава сувларини тозалаш жараёнларини такомиллаштириш ва сувнинг ёпиқ тизимини ташкил этиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда таркибида оғир металл ионлари сақлаган оқава сувларни чегаравий миқдор даражасида тозалаш имконини берувчи усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада рухсат этилган чегаравий миқдордан кам бўлган тозалаш имконини берувчи реагент, электрокимёвий, фильтрация, сорбция, ион-алмашилиш, экстракция ва биокимёвий усуллардан фойдаланилиш, жараёнда ҳосил бўладиган чиқиндиларни зарарсизлантиришни жадаллаштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда нафақат тозалаш даражаси юқори, балки экологик ва арзон маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқилган технологик жараёнларни такомиллаштириш, соддалаштириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш» вазифалари белгилаб берилган.¹ Бу борада ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган саноат оқава сувларини тозалашда энергия ва капитал сарф ҳаражатларни камайтириш имконини берувчи кам босқичли, узлуксиз, маҳаллий реагентлардан фойдаланилган жараёнларни жорий қилиш билан технологияларини мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4845-сон «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида» тўғрисидаги ПФ-60-сон фармони

ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожланиши нинг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш» устивор йўналишларига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полиэлектролитлар ва сирт-фаол моддаларни қўллаган ҳолда саноат оқава сувларини тозалаш жараёнларини такомиллаштириш, атроф муҳитнинг талаб даражасида тозалигини таъминлаш бўйича кўплаб хорижий олимлар, жумладан, М. Канско, Е. Тсухида, П.А. Рибедр, Ю.Г. Фролов, Е.Е. Ергожин, Ю.С. Липатов, А.И. Русанов, А.А. Абрамзон, И.М. Паписов, А.Б. Зезин, Е.А. Бектуров, К.Б. Мусабеков, С.Б. Айдарова, В.Н. Измайлова, К.С.Ахмедов, Э.А. Арипов, Ф.Л. Глекел, С.С. Ҳамроев, С.Н. Аминов, А.А. Агзамходжаев, Х.И. Акбаров, У.К. Ахмедов, С.А. Абдурахимов, И.Қ. Сатаев, О.К. Бейсенбаев, С.М. Туробжонов ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Улар томонидан дисперсс системаларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлаш, сувда эрувчан полимерларнинг физик ва коллоид кимёвий таркибини, тузилишини ва дисперсс системалар билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш, саноат оқава сувларини тозалаш технологияларини мақбуллаштириш усуллари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга техник ва табиий дисперсс системалар учун модификатор ва флокулянтлар ҳисобланувчи «Унифлок», «КО-1», «К-9», «ПАА» препаратларидан мақсадли фойдалиниш, саноат оқава сувларини тозалаш жараёнларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндиларни зарарсизлантириш, самарали ва кам чиқиндили технологияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Саноат оқава сувларини оғир металл ионларидан физик-кимёвий усули билан тозалаш» (2020-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оғир металл ионлари сақловчи оқава сувларни полимерли полиэлектролитларни қўллаб тозалаш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гальваникли ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган таркибида оғир металл ионлари мавжуд оқава сувларни тозалаш жараёнининг мақбул шароитларини танлаш;

оқава сувларни тозалашнинг технологик жараёнларини такомиллаштириш; гальваникли ишлаб чиқариш корхоналарида ёпиқ сув таъминоти

тизимларини яратиш;

таркибида оғир металл ионлари бўлган оқова сувларни Fe_2SO_4 ёки чиқинди металл таласлари иштирокида зарарсизлантириш ва тажриба маълумотларни Бокс-Хантер усули билан ҳисоблаш;

гальваникли ишлаб чиқариш корхоналарининг оқова сувларини тозалаш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди лойларни бартараф этиш;

оғир металл ионлари сақловчи оқова сувларни полимерли полиэлектролитларни қўллаб тозалаш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида машинасозлик ишлаб чиқариш корхоналарининг гальваника бўлимида ҳосил бўлган чиқиндилари (металл таласлари) ва таркибида оғир металл ионлари бўлган оқова сувлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети «Унифлок», «Полиакриламид» ҳамда Fe_2SO_4 ёки металл чиқиндиларининг таласлари ёрдамида тозаланган оқова сувларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, чиқиндилар таркибий тузилишининг дифрактограммаси, саноат оқова сувларини тозалаш технологиясини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида, ИҚ-спектроскопия, фотометрик, физик ва коллоид-кимёвий, рентген фазали ҳамда полиноминал регрессиянинг амалий дастурлари тўпламларидан фойдаланган ҳолда математик статистика усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

гальваникли ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлувчи таркибида Cr^{6+} ионлари бўлган оқова сувларини Fe_2SO_4 эритмаси ёки чиқинди темир-талас ёрдамида зарарсизлантиришнинг мақбул шароитлари асосланган;

тозалаш самарадорлигига чўктириш, тиндириш ва филтрлаш тезлиги, оқова сувнинг рН-муҳити ҳамда Cr^{6+} ионларининг концентрациясининг таъсири аниқланган;

«Унифлок», «ПАА» серияли флокулянтлар ҳамда Fe_2SO_4 эритмаси ёки чиқинди темир-таласлар ёрдамида гальваник ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган оқова сувларини оғир металл ионлари ва муаллақ заррачалардан самарали тозалаб сувнинг айланма ҳаракати такомиллаштирилган;

таркибида оғир металл ионлари бўлган оқова сувларни тозалаш жараёнида ҳосил бўлган чиқиндиларни (лой) қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати учун иккиламчи хомашё сифатида ишлатиш мумкинлиги асосланган.

«Унифлок» серияли полиэлектролити гальваник ишлаб чиқариш оқова сувларидаги муаллақ заррачаларининг чўктириш жараёнини 6-8 баробарга тезлаштирилиши аниқланган;

оғир металл ионлари сақловчи оқова сувларни полимерли полиэлектролитларни қўллаб тозалаш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилар иборат:

гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқова сувларни тозалаш жараёнида иккиламчи темир чиқиндилари таласлардан фойдаланишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

янги реагентлар ҳамда жиҳозларни қўллаган ҳолда оғир металл ионлари

бўлган оқава сувларни тозалаш жараёни технологияси такомиллаштирилган;

таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни реагент усули билан тозалаш ва сувнинг ёпиқ тизимини ҳосил қилишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. ИҚ-спектроскопияси, фотометрия, ретгенструктура, спектрофотометрия усуллари билан фойдаланилган, таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари ўтказилганлиги, олинган натижалар оқава сувларни тозалаш жараёнининг математик модели Бокс-Хантер усули билан тасдиқланганлиги, атроф-муҳит объектларининг классик методлари билан таққосланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, гальваникли ишлаб чиқариш оқава сувларидаги муаллақ заррачаларни чўктириш жараёнларига «Унифлок» ва «ПАА» полиэлектrolитларини қўлланилиши флокуляция эффекти ҳисобига йирик агрегатлар ҳосил бўлиши билан чўкиш жараёнларининг жадаллашуви билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Республика кимё саноатининг маҳаллий маҳсулотлари асосида таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни реагент усули билан самарали тозалаш ҳамда сувнинг ёпиқ тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечишга ҳамда атроф-муҳитни зарарли ва заҳарли чиқиндилар билан ифлослантirmайдиган тоза корхона тизимини режалаштириш ва ташкил этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Гальваникли ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни «Унифлок» серияли флокулянт ёрдамида тозалаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гальваникли ишлаб чиқариш оқава сувларини оғир металл ионларидан тозалаш технологияси «MET-FUR-SERVIS» ОАЖнинг «2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 14 январдаги 03-02/8-118-сон маълумотномаси). Натижада, оқава сувларни Cr^{6+} , Cr^{3+} , Fe^{2+} , Cu^{2+} , Ni^{2+} , Cd^{2+} , Zn^{2+} , Pb^{2+} , Sn^{2+} ионларидан тозалаш, сувнинг айланма ҳаракатини ташкил этиш ва юмшатиш имконини беради;

«Унифлок» серияли полиэлектrolит флокулянтини қўллаш технологияси «MET-FUR-SERVIS» ОАЖнинг «2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 14 январдаги 03-02/8-118-сон маълумотномаси). Натижада, полиэлектrolит флокулянти ва такомиллаштирилган технологик жараён оқава сувларни чегаравий миқдор даражасида тозалаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда

муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 6 та, жумладан, 2 та республика ва 4 та халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ахамияти ёритилган, тадқиқот натижаларинижорий этиш рўйхати, ишнинг нашр этилганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқова сувларни физик-кимёвий усули билан тозалаш**» деб номланган биринчи бобида гальваник ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган хавфли манбаларининг бугунги ҳолати, асосий хавфи турли хил сув омборларига таъсири бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили келтирилган.

Машинасозлик ишлаб чиқариш корхоналарининг гальваник бўлимларида кўп миқдорда оқова сувлар ҳосил бўлиб, бу таҳдиднинг максимал даражасини англатади. Ушбу сув таркибида оғир металл ионлари ҳамда ишқорий таркиби ва бошқа консероген бирикмалар бўлган кўплаб аралашмалар мавжудлиги ҳақида умумий маълумотлар берилган.


Чоп этилган адабиётлар маълумотларини таҳлили асосида илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, мақсади аниқланди ва вазифалари белгилаб олинди ҳамда шу аснода тажриба тадқиқотлари олиб борилди. Маҳаллий ва арзон флокулянт ҳамда оқова сувларни тозалаш жараёнида керакли бўлган ёрдамчи реагентлардан фойдаланиб сувнинг ёпиқ тизимини ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлган янги технологик ва экологик ечимларни топишнинг долзарб муаммолари кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Дастлабки хом ашё ва ярим маҳсулотларни тадқиқот объектлари ҳамда тавсифлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ҳамда бошланғич хом ашё ва ярим маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва кимёвий характеристикалари келтирилган: машинасозлик ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқова сув муҳитнинг рН қиймати, чўктириш, тиндириш ва филтрлаш даражаси ҳамда Cr^{6+} ионлари

нинг дастлабки концентрацияси бўйича оптимал тозалаш режимларини танлаш учун таркибида Cr^{6+} ионлари бўлган оқава сувларни шунингдек ҳосил бўлган иккиламчи чиқиндиларни зарарсизлантириш соҳасидаги ишларнинг аналитик шарҳи тақдим қилинган. «Унифлок», «Полиакриламид», Fe_2SO_4 эритмалари ёки чиқинди металл таласлари ёрдамида тозаланган оқава сувларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, ҳосил бўлган чиқиндиларнинг таркибий тузилишининг дифрактограммаси ва бошқа замонавий таҳлил усуллар ёритиб берилган.


Диссертациянинг «Унифлок полиэлектрولитидан фойдаланган ҳолда гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш технологияси» деб номланган учинчи бобда оқава сувларнинг таркибидаги Cr^{6+} ни Cr^{3+} га ўтказиш жараёни $\text{pH}=2,0-3,5$ интервалда мунтазам равишда аралаштириш ва 5% FeSO_4 эритмасини ёки темир чиқинди таласлари ёрдамида олиб борилади.

Cr^{6+} ни Cr^{3+} га ўтказиш жараёнинг яқунланиши, сифат реакциясига биноан аниқланади. Жараён тўлиқ амалга оширилгандан сўнг $\text{pH}=10$ қийматига қадар оҳакли сув қўшиб оғир металл ионлари гидроксид шаклида чўктирилади, ва шундай қилиб, барча металл ионларни эримайдиган бирикмаларга (гидроксидларга) қуйидаги схемага биноан ўтказилади:



Системада барча металл гидроксидлари чўкмага ўтказиладиган $\text{pH} 9,5$ га тенг бўлган оптимал қийматларига етказиш учун оҳакли сувни шундай микдорларидан фойдаланиш лозимки, унинг бошланғич қиймати $\text{pH}=10$ га тенг бўлиши тавсия этилади. Оқава сувда pH қийматларини ўзгармас қийматларга етказаш мақсадида, сўндирилган оҳак эритмаси билан ишлов берилишини маълум вақт интервалида олиб бориш тавсия этилади. Заррачаларнинг ўлчами ва фракция таркибини аниқлаш учун FeSO_4 эритмаси ёки темир чиқинди таласлари шунингдек $\text{Ca}(\text{OH})_2$ билан ишлов берилган оқава сувга чўкиш жараёнини тезлаштириш мақсадида, «Унифлок» ва «ПАА» полиэлектрولит лари иштирокида оқава сувларни седиментацион таҳлили ўрганилди. 1-расмда «MET-FUR-SERVIS» ОАЖ гальваник ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган оқава сувларига реагент билан ишлов берилгандан сўнг дисперсс фазасининг тақсимланиши келтирилган. Оқава сувларни флокулянтсиз тозаланган ҳолатида яъни сувга фақат FeSO_4 эритмаси ёки темир чиқинди таласлари ва $\text{Ca}(\text{OH})_2$ билан ишлов берилганда майда заррачали муаллақ чўкмалар ҳосил бўлади ва заррачаларнинг энг катта радиуси $R_{\text{ўр}}=5-6\text{мкм}$ ни ташкил қилади. Сувга «Унифлок» ва «ПАА» серияли полиэлектрولитлар билан ишлов берилганда муаллақ заррачаларнинг хажми 10-12 мкм гача катталашади, бунинг натижасида чўкма зичлашади ва чўкиш жараён кескин тезлашиши кузатилди. Полиэлектрولит дозасини 16-20 мг/л қийматгача ортиши билан оқава сувларнинг тиниқлашиш эффекти ортади, 30-40мг/л дозаларда унинг стабил ҳолатга келиши кузатилади. «Унифлок» серияли полиэлектрولит иштирокида чўкиш жараёни 6-8 баробарга, «ПАА» полиэлектрولити билан ишлов

берилганда 5-6 баробарга тезлашиши, $\text{Ca}(\text{OH})_2$ билан ишлов берилганда атиги 4-5 баробарни ташкил этиши аниқланди.



1.расм «MET-FUR-SERVIS» ОАЖнинг гальваник ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган оқва сувларининг таркибидаги заррачаларининг фракциялари бўйича тақсимланиш эгри чизиқлари. 1- $\text{Ca}(\text{OH})_2$; 2-«Унифлок»; 3- «ПАА».


Бундай ҳолда, гидратланган чўкма ҳосил бўлади ва фотоколориметрик усул билан аниқланган сувни тозалаш эффеќти 15%дан ошмайди, чунки сув таркибида металл гидроксидларнинг жуда кўп тарқалган фракциялари мавжуд.

Чўкма чўкинди ва сиқилиш жараёнини тезлаштириш, шунингдек тиниқланиш самарадорлигини ошириш мақсадида «Унифлок» ва «ПАА» флокулянтлари ёрдамида амалга оширилди. Қайта ишланган сувларга флокулянтлар 2 дан 40 мг/л гача бўлган миқдорда FeSO_4 $\text{Ca}(\text{OH})_2$ билан ишлов берилгандан сўнг кўшилди. Олинган таҳлил натижалари 2-3-расмларда кўрсатилган.


Флокулянтларнинг миқдори маълум қийматларга яъни 16-20 мг/л ташкил қилганда оқва сувларнинг таркибидаги муаллақ заррачаларнинг чўкиш жараёни тезлашади, 30-40 мг/л миқдорда кўшилганда эса, оптимал миқдордан ошиб кетади ва стабилизация жараёни кузатилади. Шундай қилиб, олиб борилган таҳлил натижаларига асосланиб «Унифлок» флокулянти билан оқва сув таркибидаги металл гидроксидларини чўктириш жараёни учун самарали эканлиги ҳамда чўктириш жараёни 6-8 мартаба тезлашиши аниқланди.

«Унифлок» ва «ПАА» серияларидаги флокулянтларнинг флокуляцион ҳаракатларини таққослаш (4-5-расмлар) шуни кўрсатадики, «Унифлок» флокулянти «ПАА» флокулянтига қараганда 3,4 барабар самарали эканлиги аниқланди.


Шу билан бирга, «Унифлок»нинг оптимал флокуляцион таъсири намоён бўладиган концентрация диапазони тор бўлиб ва бу унинг миқдорларини танлашга жиддий эътибор берилишни талаб қилади (4-5-расмлар).




2-расм. Гальваник ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш кинетикаси (1) флокулянтсиз ва «Унифлок» ёрдамида, мг/л: 2.0 (2); 4.0 (3); 40.0 (4); 30.0 (5); 8.0 (6); 16.0 (7); 20.0 (8).



3-расм Гальваник ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш кинетикаси (1) флокулянтсиз ва «ПАА» ёрдамида, мг/л: 2.0 (2); 4.0 (3); 40.0 (4); 30.0 (5); 8.0 (6); 16.0 (7); 20.0 (8).



4-расм. Гальваник ишлаб чиқариш оқава сув суспензияларига 20мл/л миқдорда флокулянтлар кўшилгандаги кинетикасини ўрганиш: 1-« Унифлок ». 2- «ПАА».




5- расм. Гальваник ишлаб чиқариш оқава сувларни флокулянтларнинг турли миқдорлари ёрдамида тиниқлик даражасини аниқлаш. 1-«Унифлок »,2-«ПАА».

1-жадвал

Турли концентрацияли флокулянтлар ёрдамида таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни тиндириш кинетикаси ($V, \text{см}^3$)

Флокулянтлар	Флокулянтларнинг концентрацияси мг/л	Тиндириш вақти , мин.							
		1	2	3	4	5	6	8	10
«Унифлок»	0,25	1,4	2,8	7,0	10,2	15,0	18,3	22,7	26,7
	0,5	1,8	3,7	8,0	12,3	16,5	20,4	24,4	33,0
	1,0	1,8	4,5	9,3	12,3	16,5	21,7	27,8	31,5
	5,0	1,9	3,3	8,5	12,1	14,5	18,5	28,9	32,0
«ПАА»	0,25	1,7	3,8	6,8	8,4	13,1	17,5	24,2	24,5
	0,5	3,2	4,0	7,3	11,3	14,0	18,9	24,5	25,4
	1,0	2,6	4,8	8,9	11,5	16,0	21,0	27,3	31,0
	5,0	2,0	5,0	9,8	13,3	17,0	22,1	28,0	33,0

6-расмда эритма ва оҳак сути билан ишланган оқава сувларнинг оптик зичлигининг ўзгаришига флокулянт қўшимчаларининг таъсири тўғрисидаги эгрилари келтирилган. Ушбу тизимда фойдаланилаётган флокулянтларнинг флокуляцион ҳаракатининг характери анъанавий флокулянтларнинг таъсирига ўхшайди, яъни. флокуляция кичик қўшимчалар ҳудудида содир бўлади ва флокулянтлар концентрациясининг ошиши билан уларнинг барқарорлашти рувчи таъсири намоён бўлади, бу эса аниқлик таъсирини камайтиради. Оқава сувларни тозалашнинг флокулянт концентрациясига боғлиқлигининг энг юқори нуқталарига кўра, уларнинг оптимал концентрацияси аниқланди, унга кўра юқори молекулали полимерларнинг флокуляция жараёнини ошириш қобилияти аниқланди (1-жадвал).



6-расм. Вақт ўтиши билан чўкма оптик зичлигининг ўзгариши: 1- $\text{Ca}(\text{OH})_2$ флокулянтсиз; 2- $\text{Ca}(\text{OH})_2$ +«Унифлок» флокулянти билан; 3- $\text{Ca}(\text{OH})_2$ +«ПАА» флокулянти билан.

Тикловчи реагент моддалар (Na_2SO_3 , Fe_2SO_4 , чиқинди металл таласлари), нейтраллаштирувчи моддалар, чўктирувчилар [$\text{Na}_2\text{SO}_3, \text{Ca}(\text{OH})_2$], ва флокулянтларнинг «Унифлок» ва «ПАА» турларининг оқава сувларга таъсирини ўрганиш натижалари 2 жадвалда келтирилган. Тозалашдан олдин ва кейин оқава сув таркибидаги металл ионларининг таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, реагентлар комбинациясида: Fe_2SO_4 ёки темир чиқинди таласлар камайтирувчи реагент, оҳак сути ва «Унифлок» флокулянти, энг яхши тозалаш эффектини беради, бунда металл ионларининг таркиби чегаравий миқдор қийматларига мос келиши таҳлил қилинди. 2-жадвал

Шундай қилиб, олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, реагент усули оқава сувларни оғир металл ионларидан максимал рухсат этилган меъёрларга қадар тозалашга имкон беради.

Бундан ташқари, аввалари гальваник ишлаб чиқарш корхоналарида ҳосил бўлган таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнида полиэлектrolит флокулянтларни МДХ давлатларидан валюта ҳисобига олиб келтирилган, бу эса ўз навбатида оқава сувларни тозалаш жараёнининг иқтисодий кўрсаткичларини юқори бўлишига асосий сабаб ҳисобланган. Махалийлаштириш дастурига асосан Тошкент кимё-технология институти олимлари томонидан синтез қилиниб ҳозирги кунда «Навоизот»

ОАЖ да ишлаб чиқарилаётган кукунсимон сувда эрувчан «Унифлок» полиэлектролит-флокулянтдан фойдаланиш жараёнида оқава сув таркибидаги муаллақ заррачаларини чўктириш тезлигини 6-8 баробарга тезлаштириб, тозаланган оқава сувларнинг тиниқланиш даражасини оширади. Бундан гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнида локал тизимини ишлаб чиқиш учун зарур шароит бўлиб хизмат қилади. Шунингдек таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни тозалаш усулини ва самарали технологиясини ишлаб чиқиш, флокулянтларни танлашга ва ион дисперсли тизимни гетероген тизимга максимал ўтказилиши учун мақбул шарт-шароитларни яратиш таъминлади, бу эса ўз навбатида ҳосил бўлган чўкмани чўктириш, тиндириш ва фильтр пресс ускуналаридан фойдаланган ҳолда оғир металл ионларини қаттиқ фазали заррачалар шаклидан тўлиқ ажратиш имкон беради.

Оптимал шароитлар ҳар хил параметрлар билан таъминланади: ишқорли реагентни камайтирувчи воситанинг дозаси ва тури, муҳитнинг рН қиймати, реагентларни қўшиш тартиби, аралаштириш шартлари ва бошқалардан иборат ҳисобланади.


Адабиётлардан маълумки, макромолекула занжирида гидроксил (-ОН) ва карбоксил (-СООН) гуруҳларини ўз ичига оладиган сувда эрийдиган полиэлектролитлар водород алоқаларини ҳосил қилишга мойил. Мазкур илимий тадқиқот ишида «Унифлок» ва «ПАА», полиэлектролитларининг металл гидроксидлари билан ўзаро таъсири пайтида Н-боғланишларнинг шаклланишини ўрганиб чиқилди. Гальваник ишлаб чиқари жараёнида ҳосил бўлган оқава сувлар таркибидаги металл ионларини гидроксидларга ўтказиш учун уларга рН-9,5 га NH_4OH , Na_2CO_3 и $\text{Ca}(\text{OH})_2$ қўшиб ишқорий ишлов берилди. Флокуляция жараёнини тезлаштириш мақсадида «Унифлок» ва «ПАА» флокулянтларидан фойдаланилди. Бундай ҳолда, ҳосил бўлган чўкма (лой) фильтр-пресс қурилмасида сувсизлантириш пайтида Бюхнер хуни устида ажратиб олинган. Сўнгра лой 60°C ҳароратда вакуумли қуритиш печида қуритилиб, ИК спектроскопик ва электрон микроскопик таҳлилни амалга ошириш учун тайёрланди.

Гальваник ишлаб чиқариш корхонасида ҳосил бўлган таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнинг тавсифи. Таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувлар гальваник ишлаб чиқариш бўлиmidан рН муҳити 3-5 ташкил қилган ҳолда ўз оқими билан 50м³ ҳажмли Е-1 ўринда жойлашган сиғимига еғилади. Сиғим чуқурликда жойлашган бўлиб, ички қисми 2-3 мм қалинликда кимёвий агрессив моддаларга чидамли гидроизоляция билан қопланган. Оқава сувларни аралаштириш компрессор бўлиmidан 3-атмосфера босимида юбориладиган сиқилган хаво ёрдамида амалга оширилади. Оқава сувни Е-3 ўринда жойлашган гальванокоагулятор қурилмасига юборишдан олдин зарурат бўлганда Е-1 ўринда жойлашган ўрталаштиргичнинг ўзида Е-5 ўринда жойлашган сиғимдан H_2SO_4 кислотаси ёрдамида оқава сувнинг рН муҳитини 2-3,5 га тенглаштириш тавсия этилади.

Гальваник ишлаб чиқариш оқова сувларни тозалаш таҳлилининг натижалари

№ т.б	Ишлаб чиқариш корхонасининг номи	Оқова сув	pH	Сувнинг қаттиқлиги	Таркиби мг/л										
					Cr ⁺⁶	Cr ⁺³	Fe _{ум}	Cu	Ni	Cd	Zn	Pb	Sn		
1.	ЧМК	Майиш	6,5-8,5	7	0,1	0,5	1,0	0,5	0,5	0,5	0,1	0,5	0,5	0,03	0,1
Тозалаш жараёнидан олдин															
2.	ООО«МЕТ-FUR-SERVIS».	Хромли сув	2,0	10	145	1,5	12,0	7,0	85	-	-	2,9	-	-	-
		умумий	5-6	10	25-50	0,5-1,0	20	27,0	2-5	-	-	20-30	5-20	5-10	-
NaHSO ₃ + Ca(OH) ₂ + Унифлок ёрдамида тозалаш жараёнидан кейин															
3.	ООО «МЕТ-FUR-SERVIS».	Хромли сув	8,0	8,0	3,5	-	0,1	1,5	10	-	-	2,2	-	-	-
		умумий	8,5	8,0	1,5	-	0,5	1,0	0,5	-	-	3,0	4,0	2,0	-
Fe ₂ SO ₄ + Na ₂ CO ₃ + Унифлок ёрдамида тозалаш жараёнидан кейин															
4.	«МЕТ-FUR-SERVIS».МЧЖ	Хромли сув	8,5	8,0	0,05	-	0,2	0,8	0,5	-	-	2,0	-	-	-
		умумий	8,5	8,0	0,04	-	0,8	1,0	0,5	-	-	3,0	2,0	1,0	-
Fe ₂ SO ₄ + Ca(OH) ₂ + Унифлок ёрдамида тозалаш жараёнидан кейин															
5.	«МЕТ-FUR-SERVIS».МЧЖ	Хромли сув	8,0	7,0	0,02	-	0,1	0,02	0,5	-	-	0,07	-	-	-
		умумий	9,2	7,0	0,01	-	0,1	0,01	0,4	-	-	0,07	0,05	0,07	-
NaHSO ₃ + Ca(OH) ₂ + ПАА ёрдамида тозалаш жараёнидан кейин															
6.	«МЕТ-FUR-SERVIS».МЧЖ	Хромли сув	8,0	8,0	3,5	-	0,1	1,6	10	-	-	3,2	-	-	-
		умумий	8,5	8,0	1,5	-	0,15	1,0	0,5	-	-	3,2	4,0	3,1	-
Fe ₂ SO ₄ + Na ₂ CO ₃ + ПАА ёрдамида тозалаш жараёнидан кейин															
7.	«МЕТ-FUR-SERVIS».МЧЖ	Хромли сув	8,5	8,0	0,05	-	0,5	0,6	0,6	-	-	2,0	-	-	-
		умумий	8,5	8,0	0,06	-	0,8	1,2	0,5	-	-	3,2	2,0	3,4	-
Fe ₂ SO ₄ + Ca(OH) ₂ + ПАА ёрдамида тозалаш жараёнидан кейин															
8.	«МЕТ-FUR-SERVIS». МЧЖ	Хромли сув	8,5	7,0	0,03	-	0,2	0,03	0,5	-	-	0,08	-	-	-
		умумий	9,2	7,0	0,02	-	0,2	0,03	0,4	-	-	0,09	0,01	0,09	-

Сульфат кислотасини автоматлаштирилган тизим орқали дозировка қилиш мақсадида ўрталаштиргичдан чиқишда ДИ6М-2 рН-261 шк.0-14, рН-КСПЗА шкала 0-14, рН БПДУ-А маркали рН-ўлчагичлар ўрнатилади. Сульфат кислотасини РПД-320ВІ маркали сарф ўлчагич-ратаметр ва ПВ10-ІЭ блокли иккиламчи регистрация қилувчи ускуна орқали амалга оширилади. Ўрталаштирилган оқава сувлар рН мухити 2,0-3,5 етгандан сўнг Е-2ўринда жойлашган Х-8/18-Т-С русумли насос ёрдамида кейинги ишлов бериш учун Е-3-ўринда жойлашган гальванокоагулятор қурилмасига юборилади. Бир вақтнинг ўзида гальванокоагулятор қурилмасига Е-6 ўринда жойлашган сарфловчи сифмдан ратаметр орқали 5%-ли Fe₂SO₄ сувдаги эритмаси юборилади. 5% ли Fe₂SO₄ тайёрлаш учун Fe₂SO₄ зарур бўлган миқдорини (5 кг) 5% ли H₂SO₄ нинг сувли эритмасида (5л) эритилади, сўнгра сув билан суюлтирилади (95 л). Таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларга ишлов бериш жараёнида Fe₂SO₄ билан Cr⁶⁺ ни Cr³⁺ валентликка қадар қайтариш қуйидаги схемага асосан амалга оширилади:



Fe₂SO₄ 1м³ оқава сув учун сарфи 20-30 литрни ташкил этади. Қайтарилиш реакциясини тўлиқ амалга ошириш учун 20-25 минут давомида интенсив аралаштириб турилиши тавсия этилади. Гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнида қўлланила диган кимёвий тоза Fe₂SO₄ реагентини тежаш мақсадида корхонада ҳосил бўлган иккиламчи темир чиқиндиларининг таласлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Бу ўз навбатида реагентлардан тежамкорлик сифатида фойдаланиш имконини яратади. Cr⁶⁺ ни Cr³⁺ гача тўлиқ қайтарилганлигининг сифат тахлили дифенилкарбазиднинг спиртли эритмаси ёрдамида амалга оширилади. Жарён тўлиқ амалга оширилгандан сўнг оқава сувларга кейинги ишлов бери учун Е-4 ўринда жойлашган СЭРН.25-2.12-01 русумли реактор-нейтрализатор жихозига юборилади. Мазкур жихозда таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни СаО нинг 5% ли сувли эритмаси Са(ОН)₂ билан ишлов берилиб, металл ионларни эримайдиган холатга яъни гидроксидларга ўтказиш жараёни олиб борилади. Бунда реактор-нейтрализатор ускунасига Е-7 ўринда жойлашган сифмда тайёрланган 5% ли охакли сув кўшилади. Оғир металл ионларини гидроксидларга ўтказиш жараёни 10-13 минут давомида интенсив равишда аралаштирилиши тавсия этилади. Оғир метал ионларини гидроксидларга ўтказиш жараёнида рН мухити 8,5 дан 9,5 оралиғида ушлаб турилиши тавсия этилади. Бу жараёнда метал ионлари (Me(ОН)_х) гидроксидларини ажратган ҳолда гидролизланади.


Қаттиқ фазани суюқликдан ажратиш жараёнини тезлаштириш ва тозалаш жараёнини санитар чегаравий миқдор нормаларига етказиш мақсадида полиэлектродлардан фойдаланиш тавсия этилади. Оқава сувларни таркиби даги метал гидроксидларни чўкиш жараёнини тезлаштириш мақсадида флокулянтлар билан ишлов бериши учун суспензияга бир вақтнинг ўзида ламел-тиндиргичнинг тешикли турбулизатордан ўтиш вақтида амалга оширил иши мақсадга мувофиқ эканлиги тавсия этилади.

Ҳосил бўлган суспензия кейинги босқич жараёнини амалга ошириш учун Е-14 ўринда жойлашган Х-65-50-16 русумли насос ёрдамида Е-9 ўринда жойлашган ламель-тиндиргичга юборилади. Ламель-тиндиргичнинг сифими 30 м^3 ни ташкил қилади ва махсус ростлаш пластинкалари билан жихозланган. Ламель-тиндиргичга келаётган суспензияга бир вақтнинг ўзида тиндиргичнинг тепа қисмида жойлашган турбулизаторига Е-8 ўринда жойлашган сифимдан 0.1%-ли унифлок флокулянти берилади. Флокулянтнинг асосий вазифаси суспензияда ҳосил бўлган майда муаллақ заррачаларни йириклаштириб чўкиш жараёнини тезлаштиришдан иборат. Ҳосил бўлган йирик ивиқлар $45-50^\circ$ қиялигидаги пластналарига урилиб тиндиргичнинг пастки конус қисмига чўкади. Тиндиргичнинг устки қисмидаги махсус ариқчалар орқали тиндирилган сув Е-10 ўринда жойлашган 25 м^3 эмалланган сифимда егилади сўнгра Е-11 ўринда жойлашган Х-8/18-Т-С насос орқали кейинги босқичга юборилади.

Кейинги босқичда тиниқлаштирилган сувни қайта фойдаланиш ва сувнинг айланма ҳаракат тизимини яратиш учун Ду-700 русумли ионалмашиниш ускуналарига аввал Na - филтрларига Е-15 ва Е-16 га сўнгра H^+ Е-17 ўринларда жойлашган натрий-катионитли ва водород-катионитли ион алмашувчи филтрларнинг 1 ва 2 босқичларига юборилади. Ион алмашувчи-филтрлар ион алмашуви усули билан сувни юмшатиш учун мўлжалланган бўлиб ишлов берилаётган сувни филтрга жойлашган катионит (сульфокўмир, КУ-1 катионити в.х.к.) қатлами орқали ўтказилади. Ион алмашувчи юмшатиш филтрлардан тозаланган сув босим остида Е-18 ўринда жойлашган 30 м^3 сифимга юборилиб Е-14- ўринда жойлашган Х-8/18-Т-С насос ёрдамида гальваника бўлимига техник сув сифатида турли хилдаги реагентлар тайёрлаш, жихозларни ювиш учун юборилади. Е-20 ва Е-21 сифимлар тиндирилган сувни юмшатиш жараёнида ишлатилган катионит ва анионитларни регенерация қилиш учун мўлжалланган. Регенерация жараёнида фойдаланилган сувлар Е-19 ва Е-22 ўринда жойлашган Х-8/18-Т-С русумли насослар орқали Е-1 ўринда жойлашган ўрталаштириш жихозига юборилади. Ломель тиндиргичнинг пастки конус қисмида чўккан чўкма гидростатик босим остида Е-12 ўринда жойлашган К-470 русумдаги филтрпресс қурилмасига қуйқани сувсизлан тириш учун юборилади. Саноат оқава сувларини тозалаш учун филтрпресс қурилмалари самарали ҳисобланади, чунки улар кейинги мақсадда филтр ловчи майда ва дағал дисперс системаларни ажратиш учун қўлланиладилар. Бундай филтрпресс қурилмасига муаллақ ҳолатдаги тахминан 0,2 мм/с да 0,5 мм/с заррачаларни ажратиш олиш учун қўлланиллиши белгиланган. Филтр пресс қурилмасида сувсизлантирилган қуйқа (лой) Е-13 ўринда жойлашган махсус контейнерда егилиб кейинги жараёнга яъни қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарига иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланиш учун транспортировка қилинади.

Шундай қилиб, гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларини тозалашнинг рационал технологик схемасининг (7-расм), моҳияти шундан иборатки, таркибида металл ионлари бўлган барча аралашмаларни 5% ли Fe_2SO_4 ва иккиламчи темир чиқиндиларининг

таласларидан, 5% ли $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ҳамда «Унифлок» полоиэлектролитини қўллаб, флокуляциядан сўнг ажратиб олиш учун ион-диспергирланган аралашмаларни гетероген ҳолатга ўтказишдан иборат.



7-расм. Гальваник ишлаб чиқариш бўлимида ҳосил бўлган таркибида оғир металл ионлари бўлган оқова сувларини тозалаш жараёнининг рационал технологик схемаси

Таркибида хром бўлган оқова сувларни Fe_2SO_4 ёки чиқинди металл таласлари иштирокида зарарсизлантириш ва тажриба маълумотларни Бокс-Хантер усули билан ҳисоблаш бўлимида.

Биринчи босқичдаги тажриба маълумотлари Бокс - Хантер усулида қайта ишланган. Жадвалга асосан, иккинчи даражали регрессия тенгламаларининг коэффицентлари ва уларнинг хатолари қуйдаги тенглама асосида ҳисоблаб чиқилган:


$$y = b_0 + b_1 \cdot X_1 + b_2 \cdot X_2 + b_3 \cdot X_3 + b_{12} \cdot X_1 \cdot X_2 + b_{13} \cdot X_1 \cdot X_3 + b_{23} \cdot X_2 \cdot X_3 + b_{11} \cdot X_1^2 + b_{22} \cdot X_2^2 + b_{33} \cdot X_3^2$$

y_1 - коэффицентининг чиқиш параметри ва Cr^{6+} ионларининг қолдиқ концентрациясини топамиз:

$\Sigma X_1 Y_1 = 5,26$	$\Sigma X_1 X_2 Y_1 = 0,31$	$\Sigma X_1^2 Y_1 = 18,12$
$\Sigma X_2 Y_1 = 2,77$	$\Sigma X_1 X_3 Y_1 = 1,81$	$\Sigma X_2^2 Y_1 = 15,23$
$\Sigma X_3 Y_1 = 2,81$	$\Sigma X_2 X_3 Y_1 = 0,41$	$\Sigma X_3^2 Y_1 = 14,43$
$\Sigma Y_1 = 20,53$	$\Sigma X_3 X_4 Y_1 = 0,21$	$\Sigma X_4^2 Y_1 = 11,02$


Тажриба маълумотлари асосида Cr^{6+} қолдиқ концентрациясининг филтрлаш тезлигига боғлиқлиги ҳамда Cr^{6+} қолдиқ концентрациясининг бошланғич рН қийматига боғлиқлиги бўйича қуйдаги эгрилар шакиллантирилди. 8 ва 9 расмлар.

8-расм Cr^{6+} қолдиқ концентрациясининг фильтрлаш тезлигига боғлиқлиги



8-расм Cr^{6+} қолдиқ концентрациясининг фильтрлаш тезлигига боғлиқлиги. $C_{\text{Cr}^{6+}}^{\text{бош}} = 60 \text{ мг/дм}^3$. 1. $v=3 \text{ м/соат}$; 2. $v=5 \text{ м/соат}$; 3. $v=7 \text{ м/соат}$. X_2 -фильтрлаш тезлиги, м/соат; Y_1 - Cr^{6+} қолдиқ концентрацияси, мг/дм^3 .

9-расм Cr^{6+} қолдиқ концентрациясининг бошланғич рН қийматига боғлиқлиги



9-расм Cr^{6+} қолдиқ концентрациясининг бошланғич рН қийматига боғлиқлиги. $C_{\text{Cr}^{6+}}^{\text{бош}} = 60 \text{ мг/дм}^3$. 1- $\text{pH}=2$; 2- $\text{pH}=3$; 3- $\text{pH}=4$. X_2 -бошланғич рН; Y_1 - Cr^{6+} қолдиқ концентрацияси, мг/дм^3 .

Диссертациянинг «Гальваник ишлаб чиқариш корхоналарининг оқава сувларини тозалаш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди лойларни утелизация қилиш» деб номланган тўртинчи бобида гальваник ишлаб чиқариш корхоналарининг оқава сувларини реагент усуллари билан тозалаш жараёнида, (шлам) лой ҳосил бўлади, улардан металларни ажратиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланмайди. Кимёвий таҳлил натижаларига асосан, лой намуналарида (қисқартирилган ОВД) асосан SiO_2 - 66%, темир оксиди Fe_2O_3 - 30,3%гача, - **Ca, Zh, Cu, SO₃, Al, Cr, Ti** ва **Na** оксидлари 3.7 % ташкил қилади.

Асос сифатида, ҳосил бўлган лойлар, иккинчи даражали хом ашё сифатида, дастлабки маҳсулот, шунингдек, шиша синиқлари, доломит, калий карбонат (K_2CO_3), кремний оксиди (SiO_2), каби турли қўшимчаларни ўз ичига олган таркиблар ҳамда қаттиқлаштирувчи сифатида - кальцинацияланган сода (Na_2CO_3). олинди.

Бу термоиссиқликка бардошли ($1600-1650^\circ\text{C}$) юқори алумин компонентли (Al_2O_3 таркиби юқори) идишларда пишириш жараёни бажарилади. Шиша пишириш режими: ҳарорати $t = 1300-1350^\circ\text{C}$, ушлаб туриш вақти эса $\tau = 35$ мин, ташкил этади.

Юқори темир шишаларида, анортитдан ташқари, иденберит миқдори ортади ва оз миқдорда волластонит β - **CaO. SiO₂** пайдо бўлади. Ва бу Fe^{2+} ионларининг таркибий ўзгариш жараёнида фаол ролини кўрсатади. Бу уни махсус катализаторлар таркибига, шу жумладан ранг берувчи моддаларга киритмасликка имкон беради, чунки Fe^{2+} ионлари эритмалар ва шишалар тузилишини деполимеризация қилади, қовушқоқликни камйтиради ва конвертация ҳароратини пасайтиради, эритмалар ва шишаларнинг микроликацияга мойиллигини оширади, ранг беришда ва фазаларнинг кристалланиш ядросида фаол иштирок этади.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажари жараёнида қуйидаги асосий илмий ва амалий натижалар олинган:

1. Гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнида қўлланиладиган кимёвий тоза Fe_2SO_4 реагентини тежаш мақсадида корхонада ҳосил бўлган иккиламчи темир чиқиндиларининг таласлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Бу ўз навбатида ҳосил бўлган металл чиқиндиларни-таласларни иккиламчи реагент сифатида фойдаланиш имконини яратиш асосланди.

2. «Унифлок» ва «ПАА» полиэлектролитларни гальваник ишлаб чиқариш оқава сувларидаги заррачаларини чўктириш жараёнларига таъсирини ўрганиш борасида илк бор олиб борилган тадқиқотлар, оқава сувга 16-20 мг/л миқдорда полиэлектролитларни қўшилиши флокуляция эффекти ҳисобига агрегатлар ҳосил бўлиши ва уларнинг чўкиш жараёнини 6-8 баробарга тезлаштирилиши аниқланди.

3. Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни тозалаш жараёни янги реагентлар ҳамда жихозларни қўллаган ҳолда такомиллаштирилди.

4. Республика кимё саноатининг маҳаллий маҳсулотлари асосида таркибида оғир металл ионлари бўлган оқава сувларни реагент усули билан самарали тозалаш ҳамда сувнинг ёпиқ тизимини ҳосил қилиш асосланди.

5. Гальваник ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўлган оқава сувларни тозалаш жараёнининг тажриба маълумотларни Бокс-Хантер усули билан ҳисоблаш амалга оширилди.

6. Гальваник ишлаб чиқариш оқава сувларини оғир метал ионларидан тозалаш технологияси «MET-FUR-SERVIS» ОАЖ да саноат синовлари олиб борилди. Бунда такомиллаштирилган технологик жараёнда юқори самарадорлигига эришилди.

7. Гальваник ишлаб чиқариш оқава сувларни тозалаш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди лойларини қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун иккиламчи хом ашё сифатида ишлатиш учун тавсия берилди.

8. Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида «MET-FUR-SERVIS» ОАЖ корхонасининг гальваник ишлаб чиқариш бўлимида ҳосил бўлган оқава сувларини тозалаш самарадорлигини ошириш мақсадида, 2023-2024 йилларда корхонада олиб бориладиган модернизация қилиш режасига киритилиб, фойдаланишга тавсия этилиши белгиланди.

9. Ўзбекистон Республикаси Экология ва Атроф-Мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2022 йил 14 январдаги № 03-02/8-118-сонли маълумотномасига асосан бажарилган илмий тадқиқот ишининг натижалари амалётга жорий этилиши 2023-2024 йилларга белгиланганлиги эътироф этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НАСИРОВА НИЛУФАРХОН КАБИЛДЖАНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД
ГАЛЬВАНИЧЕСКОГО ПРОИЗВОДСТВА С ПРИМЕНЕНИЕМ
ФЛОКУЛЯНТА СЕРИИ УНИФЛОК**

**11.00.05-Охрана окружающей среды и рациональное использование природных
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/K523

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страница Научного совета (www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Мугалов Шухрат Ахмаджанович доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сманова Зулайхо Асаналиевна доктор химических наук, профессор Кулматов Рашид Анарович доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени И.Каримова

Защита диссертации состоится «10» август 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоний. 32. Тел.: (99871) 244-79-21; Факс: (99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 132 с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоний. 32. Тел.: (99871)244-79-21 e-mail: info@tkti.uz)

Автореферат диссертации разослан «28» 07 2022 года.
(Реестр за № 23 от «28» 07 2022 г.).



15
Б.Ш.Усмонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
педагогических наук, профессор

Б.Х.Кучаров
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
технических наук, доцент

Р.С.Сайфутдинов
Председатель научного семинара по
присуждению учёных степеней, доктор
технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы исследования. С ростом потребности в развитии промышленности и техносферы в мире загрязнение окружающей среды в виде сточных вод, вредных газов и пыли и различных отходов, тяжелых и канцерогенных металлов и других видов химических соединений в воде, воздухе, почвенных объектах, вызывая его увеличение. При этом крайне важно поддерживать чистоту окружающей среды на необходимом уровне, совершенствовать процессы очистки промышленных сточных вод и наладить замкнутую систему водоснабжения.

В мире проводятся научные исследования по разработке методов, позволяющих очищать сточные воды, содержащие ионы тяжелых металлов, на предельном уровне. В связи с этим особое внимание уделяется применению реагентных, электрохимических, фильтрационных, сорбционных, ионообменных, экстракционных и биохимических методов, позволяющих осуществлять очистку ниже допустимого предела, а также разработке и апробации технологий ускорения обезвреживания отходы, образующиеся в процессе водоочистке.

В нашей республике не только высок уровень очистки сточных вод, но и достигаются определенные научно-практические результаты по совершенствованию и упрощению технологических процессов, разработанных на основе экологически чистого и дешевого местного сырья. В стратегии развития Нового Узбекистана поставлены задачи «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода высокотехнологичных перерабатывающих производств на качественно новый этап, направленный на опережающее развитие производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья»¹. В связи с этим важна оптимизация технологических процессов с использованием малоактивных, непрерывных, местных реагентов, позволяющих снизить энергетические и капитальные затраты при очистке промышленных сточных вод, образующихся на производственных предприятиях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени слжит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП №60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и Постановлении Президента Республики Узбекистан за №5863 от 30 октября 2019 года «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистана до 2030 года», 2019 г. ПП № 4265 от 3 апреля 2016 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее инвестиционной привлекательности» а также Указа от 30 сентября 2020 г. ПП №4845 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления работами связанными с бытовыми и строительными отходами» и другими нормативными

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана ».

правовыми актами. документы, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями республиканского развития науки и технологий IV-«Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов».

